V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ [1)]

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 2669,4 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 793,2 млрд. сўм ёки 142,3 % га ошган.

2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	*2018 йилнинг январь-майга нисбатан % да*
Жами	**2669,4**	**142,0**
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	0,65	2,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	2581,8	146,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-50,7	-
Қурилиш	1,4	155,6
Савдо	111,6	72,9
Ташиш ва сақлаш	-5,9	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,4	42,4
Ахборот ва алоқа	0,003	5,0
Кўчмас мулк билан операциялар	9,2	121,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	19,7	135,8
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,16	66,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1,9	135,7
Бошқалар	-1,8	-

Ижобий молиявий натижа (фойда) нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига - 2581,8 млрд. сўмга, савдо корхоналарига - 111,6 млрд. сўмга, профессионал, илмий ва техник фаолият - 19,7 млрд. сўмга тўғри келадиган булса.

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

2019 йилнинг январь-май ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши «Олмалиқ КМК» АЖ (739,9 млрд. сўм), «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ (80,7 млрд. сўм), «Ўзбекэнерго» АЖ (64,9 млрд. сўм), «Ўзкимёсаноат» АЖ (28,4 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси 62,7 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - 31,1 млрд. сўмга, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ - 26,6 млрд. сўмга, «Ўзбекнефтгаз» АЖ - 10,6 млрд. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

2019 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	*2018 йилнинг январь-майга нисбатан %да*
Вилоят бўйича:	**2669,4**	**142,0**
шаҳарлар:		
Нурафшон	10,8	46,8
Олмалиқ	1983,2	157,5
Ангрен	-50,1	258,0
Бекобод	214,4	117,5
Оҳангарон	86,3	87,0
Чирчиқ	142,3	134,3
Янгийўл	17,1	147,4
туманлар:		
Оққўрғон	0,4	62,0
Оҳангарон	16,1	209,9
Бекобод	2,2	5,9 м
Бўстонлиқ	14,1	5,4 м
Бўка	1,0	89,5
Зангиота	0,2	4,8 м
Қибрай	76,9	96,5
Қуйичирчиқ	-0,6	65,9
Паркент	60,1	111,4
Пискент	1,7	98,9
Ўртачирчиқ	0,1	69,7
Чиноз	32,2	131,8
Юқоричирчиқ	9,7	40,7
Янгийўл	12,7	51,7
Тошкент	38,7	99,2

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалиқ шаҳар 1987,7 млрд. сўм (жами фойданинг 71,9 %), Бекобод шаҳар 214,4 млрд. сўм (7,8 %), Чирчиқ шаҳар 158,9 млрд. сўм(5,7 %), ва Зангиота тумани 80,0 млрд. сўм (2,9 %) га тўғри келади.

Зарарлар. 2019 йилнинг январь-май ойларида 29 та корхона ва ташкилотлар 94,7 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги корхоналари -37,4 млрд. сўм (39,4 %), «Ўзбекэнерго» АЖ - 21,6 млрд. сўм (22,8 %), Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари - 20,8 млрд. сўм (22,0 %), «Ўзнефтегазмаш» АЖ - 3,4 млрд. сўм (3,5 %), «Тошшаҳартрансхизмат» ХК - 3,1 млрд. сўм (3,3 %) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

2019 йилнинг январь-май ойларида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

(жамига нисбатан %да)



2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар суммаси*	
		млн.сўм	*жамига нисбатан %да*
Жами	**29**	**94,7**	**100**
Ишлаб чиқарадиган саноат	8	15,8	16,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5	63,4	66,9
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцекилларни таъмирлаш	9	3,5	3,7
ташиш ва сақлаш	3	6,1	6,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	0,13	0,19
Кўчмас мулк билан операциялар	1	2,7	2,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	0,01	0,01
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1	3,1	3,3

2019 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

(*жамига нисбатан % да)*



Зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 63,4 млрд. сўм (66,9 %) соҳасида юзага келган.

2019 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да*	*Зарар суммаси, млн.сўм*
Вилоят бўйича:	**29**	**100,0**	**94,7**
шаҳарлар:			
Нурафшон	1	3,4	0,3
Олмалиқ	1	3,4	4,4
Ангрен	7	24,1	55,2
Бекобод	1	3,4	0,0
Чирчиқ	5	17,2	16,6
Янгийўл	1	3,4	0,1
туманлар:			
Бўстонлиқ	4	13,8	3,2
Зангиота	2	6,9	3,0
Юқоричирчиқ	2	6,9	3,2
Қибрай	1	3,4	6,6
Ўртачирчиқ	1	3,4	0,0
Янгийўл	1	3,4	0,0
Тошкент	2	6,9	2,0

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

2019 йил 1 июнь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 6789,8 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган - 150,7 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 2,2 % ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 июнига нисбатан солиштирганимизда 40,9 % ни ташкил қилади, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 112,1 % ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Нурафшон шаҳар

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

1967,2 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 29,0 %), Олмалиқ шаҳар 1086,6 млрд. сўм (16,0 %), Бекобод шаҳар 836,5 млрд. сўм (12,3 %) ва Чирчиқ шаҳар 584,3 млрд. сўм (8,6 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Пискент тумани 1,5 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,02 %), Бўка тумани 2,8 млрд. сўм (0,04 %) ва Бекобод тумани 3,9 млрд. сўм (0,06 %) да пастлигини кўриш мумкин.

2019 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	*ундан:*			*Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, %да*
		харидор ва буюрт-мачилар	*етказиб берувчи-ларга ва пудратчи-ларга берилган авансла р*	*ички идора-вий*	
Жами	**150,7**	**90,0**	**21,9**	**22,8**	**100**
Ишлаб чиқарадиган саноат	76,2	58,1	2,1	0,7	50,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	20,9	20,9	-	-	13,8
Қурилиш	8,7	8,3	-	0,4	5,8
Кўчмас мулк билан операциялар	4,5	0,1	0,4	3,9	2,9
Бошқалар	40,4	2,6	19,4	17,8	26,9

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 июнь ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 4019,9 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 59,2 %ини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ корхоналари - 1578,8 млрд. сўм (39,3 %), «Олмалиқ КМК» АЖ - 1048,7 млрд. сўм (26,1 %), «Ўзбекэнерго» АЖ - 547,0 млрд. сўм. (13,6 %), «Ўзкимёсаноат» АЖ - 227,5 млрд. сўм (5,7 %).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши «Ўзбекнефтгаз» АЖ 2,3 м (1096,0 млрд. сўм), «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ - 2,0 м (528,9 млрд. сўм), «Ўзкимёсаноат» АЖ - 145,2 % (70,8 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик «Ўздонмаҳсулот» АЖ - 60,4 % га (12,4 млрд. сўм), «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ - 42,3 % га (40,4 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.

2019 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 6737,0 млрд. сўм, ундан муддати ўтган - 183,7 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 2,7 % ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 июнига нисбатан солиштирганимизда 179,9 % ни ташкил қилади, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 111,7 % ни ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 июнь ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 3853,2 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 57,2 % ни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган - 4,7 млрд. сўм ёки мос равишда 2,6 %.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 25,1 млрд сўмга камайди, шу жумладан «Ўзкимёсаноат» АЖ - 96,2 % га камайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 29,5 % ташкил этади.

2019 йил 1 июнь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги
(жамига нисбатан %да)



2019 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	*ундан:*				*Мудда-ти ўтган қарздорлик-нинг улуши, %да*
		етказиб берувчи лар ва пудрат-чиларга	*Бюд-жетга тўлов-лар*	*давлат мақсадли фондларига тўловлар*	*ички идора-вий*	
Жами	**183,7**	**162,9**	**2,1**	**5,1**	**2,2**	**100**
Ишлаб чиқарадиган саноат	4,7	2,2	-	-	0,04	2,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	163,3	155,2	1,1	5,1	-	88,9

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда-ти ўтган қарздорлик-нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат-чиларга	Бюд-жетга тўлов-лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора-вий	
Ташиш ва сақлаш	6,2	2,8	1,0	-	-	3,4
Кўчмас мулк билан операцияла	5,0	2,6	-	-	2,2	2,7
бошқалар	4,5	0,1	-	-	-	2,4

2019 йил 1 июнь ҳолатига жами дебитор қарздорликнинг кредиторликдан ошиши 52,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млрд. сўм	дебиторга нисбатан % да
«Ўзпахтасаноат» АЖ	192,4	7,9 м
«Ўзбекэнерго» АЖ	854,7	2,6 м
«Ўзавтосаноат» АЖ	146,9	2,3 м
«Ўзкимёсаноат» АЖ	64,3	128,3
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	52,9	160,6

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши «Ўзпахтасаноат» АЖ 192,4 млрд. сўмга (7,9 м), «Ўзбекэнерго» АЖ - 854,7 млрд. сўмга (2,6 м), «Ўзавтосаноат» АЖ - 146,9 млрд. сўмга (2,3 м), «Ўзкимёсаноат» АЖ - 64,3 млрд. сўмга (128,3 %), «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ - 52,9 млрд. сўмга (160,6 %) ни ташкил қилади. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда юқори кредитор қарздорлик Олмалиқ шаҳар 1017,2 млрд. сўм (15,1 %), Бекобод шаҳар 972,1 млрд. сўм (14,4 %) ва Ангрен шаҳар 936,6 млрд. сўм (13,9 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Паркент тумани 10,9 млрд. сўм (0,2 %), Пискент тумани 16,9 млрд. сўм (0,3 %) ва Янгийўл шаҳар да 25,5 млрд. сўм (0,4 %) пастлигини кўриш мумкин.